

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАЛИЛОВ АКРАМ УТАМУРОДОВИЧ**

**СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқи  
ва суд экспертизаси

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Халилов Акрам Утамуродович**

Суд экспертизаси институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини

такомиллаштириш.....3-26

**Халилов Акрам Утамуродович**

Совершенствование организационно-правовых основ института судебных

экспертиз.....27-50

**Khalilov Akram Utamurodovich**

Improvement of the organizational and legal framework of the institute of

forensic examinations.....51-55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....56-57

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАЛИЛОВ АКРАМ УТАМУРОДОВИЧ**

**СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқи  
ва суд экспертизаси

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Үу512 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Астанов Истам Рустамович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бахтиёр Ҳалилович Пулатов**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Базарова Дилдора Баҳадировна**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 12 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (46-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2024 йил 30 ноябрь куни тарқатилди.  
(2024 йил 30 ноябрдаги 12-рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Мамасиддиқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**М.А.Аминжанова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда оғир ва ўта оғир, очилиши мураккаб, уюшган жиноятларни очиш ва тергов қилишда экспертиза институтини имкониятлари бекиёс саналади. Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, БМТнинг жиноят ва гиёҳвандликка қарши кураш бошқармасининг 2023 йилдаги маълумотига кўра одам ўлдириш жинояти натижасида терроризм ва қуролли можаролар натижасида ўлдирилганлар сонига нисбатан кўп инсон вафот этган. Ўртача олганда ҳар соатда 52 одам ўлдирилмоқда<sup>1</sup>. Бугунги кунга келиб кибержиноятлар сони ошиб бораётган бўлиб, унга қарши 6 триллион АҚШ доллари сарфланмоқда<sup>2</sup>. Мазкур жиноятларнинг аксарияти айнан ушбу тергов ҳаракати орқали аниқланади ва тергов қилинади. Ушбу жараёнларда экспертиза, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Содир этилган жиноятларни таҳлили мазкур соҳада замонавий техника ва технологиялар, янги турдаги экспертизалар, тор соҳа вакиллари махсус билимлардан кенгрок қўллашни талаб этади.

Жаҳонда экспертнинг ҳуқуқий мақомини қайта кўриб чиқиш, экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва унинг ҳулосасини баҳолашнинг янги тартиб ва усулларини жорий қилиш, экспертизанинг янги турларини жорий қилиш, экспертиза жараёнларида процесс иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақоми тенглигини таъминлаш зарурати бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Эксперт ҳулосасининг ҳақиқийлигини таъминловчи мезонларни жорий қилиш ва унинг тўғри сўзлашини таъминловчи қасамёдини тартибга солувчи нормаларни киритиш, рақамли далиллар юзасидан тадқиқотлар ўтказиш, экспертиза тадқиқоти учун намуналар олиш тартиби алгоритминини жорий қилиш, замонавий технология имкониятларидан самарали фойдаланиш, экспертни сўроқ қилиш, унинг кўрсатувларидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ўтган йиллар давомида масалан, 2020 йилда 28678 та, 2021 йилда 33391 та (олдинги йилга нисбатан 4713 тага ошган), 2022 йилда 35306 та (1915 тага ошган), 2023 йилда 37493 та (2187 тага ошган), жорий йилнинг май ойига қадар 16719 та экспертиза ўтказилган. Аммо экспертиза ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилмаслиги, кўздан кечириш ёки ашёвий далиллар тўлиқ тақдим этилмаслиги ва бошқа сабабларга кўра 2020 йилда 3398 та, 2021 йилда 4552 та (1154 тага ошган), 2022 йилда 5220 та (668 тага ошган), 2023 йилда 4503 та экспертиза ўтказилмасдан материаллар ижросиз қайтарилган. Бу ҳолатларнинг аксарияти экспертиза тайинловчи органларнинг хатоси сабабли юз берган. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, экспертиза жараёнларига халқаро стандартларни жорий қилиш (ISO/IEC 17025 стандарт), маълумотлар алмашинувини таъминловчи электрон тизим ишлаб чиқиш, суд экспертиза тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиш ва

<sup>1</sup> <https://news.un.org/ru/story/2023/12/1447527>

<sup>2</sup> [www.csoonline.com/article/3153707/security/top-5-cybersecurity-facts-figures-and-statistics.html](http://www.csoonline.com/article/3153707/security/top-5-cybersecurity-facts-figures-and-statistics.html)

такомиллаштириш, эксперт ва экспертизага оид жиноят-процессуал нормаларда эксперт кўрсатуви, эксперт қасамёди, рақамли далил каби масалаларни киритиш, амалиётда ушбу йўналишда амалиётчиларга ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алгоритмлар жорий қилиш, экспертиза объектлари ва экспертиза тури имкониятини берувчи маълумотлар базаларини яратишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун (2010), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6256-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида 180-сон қарори ва унга илова бўлган Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда мавзуга оид бошқа ҳужжатлар диссертация тадқиқоти учун маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши илм-фанни ривожлантиришнинг “Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг илмий фаолияти” номли учинчи устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот иши мавзуси билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар республикаимиз олимларидан Р.Алимова, Қ.К.Байзаков, Ш.Н. Бердияров, Ҳ.Х.Болтаев, М.Д.Ботаев, Р.П.Инамов, В.В.Кадирова, Д.Камолходжаев, Б.А.Миренский, А.Х.Рахмонкулов, З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова, Д.М.Миразов, А.К.Закурлаев, Д.Б.Базарова, Ш.Ф.Файзиев, Н.М.Қўшаевлар тадқиқ этилаётган муаммонинг умумий томонларини ўрганган бўлсалар, С.А.Отахўжаев, И.Р.Астанов, Р.Алимова, Б.С.Саломов, Л.Т.Пулатова, Л.Баканова, Н.Худойқулова, Қ.И.Исаров, Б.И.Пинхасов, Ф.Х.Тарханова, Н.Х.Абдусатторова каби олимлар томонидан суд экспертизасни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

МДХ давлатларида олимлар Е.Р.Россинская, А.П.Рыжаков, Я.В.Комиссарова, В.А.Назаров, Л.В.Лазарева, В.М.Азаренко, В.В.Камарова, И.И.Горянов, Д.А.Харченко ва В.Н.Шепел, С.А. Смирнова, А.И. Усов, Г.Г. Омелянюк, Н.П. Майлис, Т.Ф. Моисеева, Е.В. Чеснокова, А.В. Нестеровлар томонидан суд экспертнинг монографик тадқиқотларида ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда суд экспертизаси институтини такомиллаштириш масалалари И. Ажунва, Т. Сарстенсен, К. Дуижн, М. Гербер, С. Гроссман,

---

<sup>1</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Д. Гурдасани, А. Ҳофман, Катсанис Сара Ҳ., Ж. Ким, А. Липтак, Ф. Лиу, Маммо, А. Полласк, Э. Пошпиеч, Сиегел Маами Б., Э. Стеинбергер, Г. Симс, Ф. Текола-Аеле, АГ. Уиттерлинден, ЖР. Вингерлинг, С. Валш ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган<sup>1</sup>.

Мазкур диссертацияда эса Ўзбекистонда суд экспертизаси институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари комплекс тарзда ўрганилганлиги билан ўзига хос аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Экспертиза институтини такомиллаштириш” номли илмий тадқиқот йўналишидан келиб чиқиб тайёрланган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида суд экспертизаси институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

суд экспертизаси институтини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш;

суд экспертизаси институтининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш;

суд экспертизаси институтининг ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланишини ёритиш;

суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш;

суд экспертизаси хулосаларини баҳолаш механизмлари ва имкониятларини ўрганиш;

хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти асосида суд экспертизаси имкониятларини такомиллаштириш;

суд экспертизаси институтини такомиллаштиришнинг замонавий технологияларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

суд экспертизаси институти имкониятлари самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектини** суд экспертизаси институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёни билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикаси суд экспертизаси институтига оид қонунчилик ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси, юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ҳамда суд экспертизаси институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган услубий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

адвокатнинг иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ёки суд муҳокамаси жараёнида давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида ишонч билдирувчи шахс розилиги билан экспертиза ўтказилишини сўраш, экспертиза хулосаси иш материалларига қўшиб қўйилишини ва суд томонидан ушбу хулоса ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилиши, экспертиза хулосасини олиш муддатлари суд-экспертиза ташкилоти билан тузилган шартномаларда белгиланиши, адвокат сўровига ордернинг кўчирма нусхаси, суд экспертизаси адвокат сўровига кўра тайинланганда ўрганиш объектлари ва тўлақонли экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган иш материаллари ҳам илова қилиниши зарурлиги асослангириб берилган;

ишонч билдирувчи шахснинг розилиги билан адвокат шартнома асосида экспертиза ўтказилишига доир адвокат сўровини давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига юбориши мумкинлиги асослангириб берилган;

суд экспертлари холислиги ва мустақиллигини таъминлаш, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани мунтазам такомиллаштириб бориш, суд-экспертлик фаолиятини кенгайтириш ҳамда суд экспертизаларининг сифати ва ишончлилигини ошириш, суд-экспертлик фаолиятида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, шу жумладан услубиятини такомиллаштириш ҳамда соҳага фан ва техника ютуқларини жорий этиш, суд-экспертлик фаолиятида кадрлар салоҳиятини янада ошириш ҳамда суд экспертларини тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, нодавлат суд экспертиза институтини ривожлантириш, суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш ва ривожлантириш, суд экспертлик фаолиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш лозимлиги асослангириб берилган;

суд экспертиза соҳасида дуал таълим бўйича кадрларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси турлари бўйича тадқиқотлар рўйхатини тасдиқлаш ҳамда суд экспертларининг фаолиятини рейтинг тизимида баҳолаб бориш лозимлиги асослангирилган;

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказининг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институтини, одам ДНКси суд биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш тартибини жорий қилиш, суд-экспертлик фаолиятини



ривожлантиришни қўллаб қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш лозимлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

суд экспертларининг фаолиятини рейтинг тизимида баҳолаб бориш тўғрисида намунавий низом бўйича таклифлар берилди;

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга таклифлар берилди;

одам биологик изларидан идентификация учун яроқли натижа олиш имконини берувчи NGS (Next-Generation Sequencing) технологияларини жорий этиш юзасидан таклиф берилди;

суд экспертлари ва экспертиза тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда экспертиза ҳаракатларини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган “E-ekspertiza” ягона ахборот тизими жорий этилди;

ўтказилаётган экспертиза турлари бўйича ягона услубиётни жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ ушбу йўналишда фаолият юритувчи комиссия ташкил қилинди;

ривожланган хорижий давлатларда синовдан ўтган замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, рақамли технологияларни, суд экспертизанинг янги илмий усул ва воситаларини соҳага қўллаш механизмларини жорий этишга оид таклифлар ишлаб чиқилди ва шу асосда 13 та янги экспертиза тури жорий этилди;

терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда суд ходимлари учун ашёвий далилларни олиш, сақлаш, суд экспертизасини тайинлаш ва унинг имкониятларини ёритишга бағишланган 3 та амалий қўлланма босма ва электрон шаклда тайёрланиб, амалиётда фойдаланиш учун суд-тергов органларига тарқатилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва миллий қонунчилик нормалари, ижтимоий сўровлар (600 дан ортиқ эксперт, мутахассислар, суд, тергов ходимлари ҳамда адвокатлар орасида ўтказилди), 5 йиллик оралиқдаги статистик маълумотлар, экспертиза тайинлаш ва ўтказишни ўзида акс эттирувчи 200 дан ортиқ жиноят ишлари ҳужжатлари, экспертиза хулосалари ўрганилган. Хулосалар апробациядан ўтказилиб, турли илғор миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Тадқиқотнинг асосий натижалари амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда суд экспертизаси соҳасини модернизация қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жиноят-процессуал, суд экспертизасига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда

терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар фаолиятида, юридик таълим муассасаларининг “Криминалистика”, “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Суд экспертизаси”, “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанларидан ўқув машғулоти ўтказишда ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот доирасида олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

адвокатнинг иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ёки суд муҳокамаси жараёнида давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида ишонч билдирувчи шахс розилиги билан экспертиза ўтказилишини сўраш, экспертиза хулосаси иш материалларига қўшиб қўйилишини ва суд томонидан ушбу хулоса ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилишига оид таклифлари “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси 1-қисми 12- ва 13-хатбошиларни, экспертиза хулосасини олиш муддатлари суд-экспертиза ташкилоти билан билан тузилган шартномаларда белгиланиши қонуннинг 7<sup>1</sup>-модда 2-қисми, адвокат сўровига ордернинг кўчирма нусхаси, суд экспертизаси адвокат сўровига кўра тайинланганда ўрганиш объектлари ва тўлақонли экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган иш материаллари ҳам илова қилинишига оид таклифлари ушбу модданинг 6-қисмига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2022 йил 26 декабрдаги 04/2-09/6171-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши адвокатнинг далилларни тақдим этишдаги ваколатларни янада кенгайтиришга хизмат қилган;

ишонч билдирувчи шахснинг розилиги билан адвокат шартнома асосида экспертиза ўтказилишига доир адвокат сўровини давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига юбориши мумкинлигига оид таклиф Фуқаролик-процессуал кодексининг 95-моддасини 6-қисм билан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасини еттинчи қисм билан, Иқтисодий-процессуал кодексининг 80-моддасини еттинчи қисм билан тўлдирилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2022 йил 26 декабрдаги 04/2-09/6171-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши адвокатларнинг иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритишда ўз сўрови билан экспертиза ўтказилишини таъминлаш ҳуқуқига эга бўлишига хизмат қилган;

суд экспертлари холислиги ва мустақиллигини таъминлаш, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани мунтазам такомиллаштириб бориш, суд-экспертлик фаолиятини кенгайтириш ҳамда суд экспертизаларининг сифати ва ишончлилигини ошириш, суд-экспертлик фаолиятида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, шу жумладан услубиятини такомиллаштириш

хамда соҳага фан ва техника ютуқларини жорий этиш, суд-экспертлик фаолиятида кадрлар салоҳиятини янада ошириш ҳамда суд экспертларини тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, нодавлат суд экспертиза институтини ривожлантириш, суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш ва ривожлантириш, суд экспертлик фаолиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш лозимлигига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ПФ—6256-сон Фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2023 йил 27 январдаги 12/1-2701-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши суд экспертлик тизимини такомиллаштириш учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб олишга ҳисса қўшган;

суд экспертиза соҳасида дуал таълим бўйича кадрларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси турлари бўйича тадқиқотлар рўйхатини тасдиқлаш ҳамда суд экспертларининг фаолиятини рейтинг тизимида баҳолаб бориш бўйича таклифларидан Вазирлар Маҳкамасининг “Суд экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрдаги 706-сон қарорини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2023 йил 27 январдаги 12/1-2701-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши суд экспертлик фаолиятини кенгайтириш, самарадорлигини ошириш ва экспертлар ҳуқуқларини кафолатлашга ҳисса қўшган;

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказининг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институтини жорий қилиш, одам ДНКси суд биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш тартиби, суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш жамғармасини ташкил қилишга оид таклифларидан Вазирлар Маҳкамасининг 704-, 705-сонли қарорлари ҳамда адлия вазирининг 3353-сонли буйруғини шакллантиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2023 йил 5 январдаги 12/М-5/8-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши экспертиза тадқиқотларини ҳамда экспертиза тизимини моддий қўллаб қувватлаш орқали ривожлантиришга ҳисса қўшган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика илмий ва амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда (14 та республика ва 1 та хорижий), 13 тўпламларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, тўққиз параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми (адабиётлар рўйхатисиз) 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Суд экспертизаси институтининг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида суд экспертизаси институтини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари, суд экспертизаси соҳасини ривожлантиришга оид назарий концепциялар таҳлили ҳамда суд экспертизасига доир ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши кўриб чиқилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ҳам айнан фан, техника, санъат ва касб-ҳунар соҳасидаги махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни ҳал қилишда суд экспертизаси муҳим роль ўйнайди. Улар ўз фаолиятларида ҳар ҳил турдаги жиноятларни тезкорлик билан фош этиш, холисона тергов қилиш ва судда кўриш ҳамда низоларни ҳал қилиш жараёнида суд экспертизаси имкониятларидан кенг фойдаланишлари лозимлиги баён қилинган. Суд экспертизаси махсус билимларга асосланган иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга қаратилган асосий процессуал восита, тилсиз-инкор этиб бўлмайдиган далил эканлиги асослантирилган.

Диссертацияда фан ва техниканинг тезлик билан ривожланиши, айниқса ахборот-коммуникация соҳасидаги тараққиёт, жиноятларни замонавий техник воситалардан фойдаланиб содир этилиш ҳолатларини кундан кунга кўпайшини келтириб чиқараётганлиги тадқиқ этилган. Шунингдек, жамиятимизда сўз эркинлиги тамойиллари кенг тадбиқ этилиши билан биргаликда, фуқаролар томонидан бундай ҳолатларга нотўғри ёндашиб қонун бузилишларига йўл қўйиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. Шу каби ҳолатлар, суд экспертиза институтини такомиллаштириш, тезкорлик билан янги экспертиза тадқиқот турларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш вазифаларини қўяётганлиги баён қилинган.

Экспертиза тушунчасининг луғавий маъноси юридик энциклопедияда “экспертиза (лотинча “response” – “жавоб”; “expertus” – “тажрибали,

тажрибадан билувчи”) – мутахассис ёки мутахассислар гуруҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш” сифатида таърифлиши изоҳланган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “экспертиза (французча – тажрибали, синалган) қийин ва чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текшириш, шундай текширишни ўтказувчи мутахассислар ҳайъати” сифатида баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунида “суд экспертизаси – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат” дея таъриф берилганлиги баён қилинган.

Суд экспертизаси – бу уч жиҳатдан кўриб чиқилиши керак бўлган мураккаб ҳодиса эканлиги асосланган.

Биринчидан, суд экспертизаси, ўз предмети ва объектига эга бўлган махсус фанлар томонидан ўтказиладиган махсус билимларга асосланган тадқиқот эканлиги, суд экспертизасининг ушбу жиҳати суд экспертизаси натижаларининг ишончлилигини аниқлаш ва суд экспертизасининг махсус касбий асосларини ривожлантириш учун муҳимлиги изоҳланган. Суд экспертизасининг ушбу томонини ўрганишда экспертизанинг мазмуни, объекти, предмети, махсус мақсади, тадқиқот усуллари каби белгиларига (хусусиятларига) эътибор берилиши лозимлиги баён қилинган.

Иккинчидан, суд экспертизаси – бу иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар белгиланадиган процессуал ҳаракат эканлиги изоҳланган. Суд экспертизаси ушбу жиҳатдан асоси, унинг процессуал мақоми, субъектлари, процессуал муносабатлар ва экспертизани тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал шакли нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Учинчидан, экспертизани жиноят процессида далил аҳамиятиниалоғида баён қилган ҳолатда, экспертизанинг бундай белгиларини (хусусиятларини) ажратиб кўрсатиш мумкинлиги изоҳланган: экспертиза далилларни тўплаш ва текшириш усули сифатида, эксперт хулосаси далил манбаи сифатида, бу бир томондан эксперт тадқиқотларининг субъектив ва объектив акси ва бошқа томондан - фактик маълумотларни ўз ичига олган ёзма ҳужжат (ахборот) ҳолида тегишли ҳолатларни аниқлаш учунлиги баён қилинган.

Олимларнинг суд экспертизаси муаммолари бўйича кўплаб ишлари суд экспертизаси умумий назариясига асосланган фундаментал қонуниятни аниқлашга имкон берганлиги изоҳланган: суд экспертизаларининг барча фарқлари билан бир қатор умумий позициялар мавжудлиги, уларнинг мақсади, назарий асоси, мақсад ва вазифаларни тизимлаштириш, юзага келиш манбалари, ривожланиш босқичлари, фаолият юритиши, норматив тартибга солиш, барча суд экспертизаларини уларнинг туркум ва турларидан қатъий назар, ташкил этиш ва бошқалар кўринишида ифодаланганлиги таҳлил қилинган.

XX аср охири – XXI аср бошларида суд экспертизаси умумий назариясини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашувчи объектив шартлар юзага келганлиги, хусусан:

экспертизаларнинг айрим турларида катта миқдордаги эмпирик материаллар тўпланди ва бу асосида ушбу экспертизаларнинг бир қанча хусусий назариялари яратилганлиги;

хар хил турдаги суд экспертизалари учун услубий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилди, барча турдаги, шу жумладан янги жорий этилаётган экспертизаларга хос бўлиши зарур бўлган умумий хусусиятлар ажратилганлиги;

суд экспертизаси ва суд-экспертлик фаолиятининг умумий ва индивидуал муаммолари бўйича кўплаб назарий ва амалий ишлар (монографиялар, мақолалар, ўқув-услубий адабиётлар) мавжудлиги;

эксперт тадқиқотининг услуб ва услубиётлари ишлаб чиқилди ва тизимлаштирилганлиги;

давлатнинг турли ташкилий тузилмаларида амалий ва илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи давлат суд-экспертиза муассасаларининг ривожланган тизими яратилганлиги баён қилинган.

Республикамизда инсон ҳуқуқлари, кадр-қиммати ва шаъни олий кадрият эканлиги, ушбу кадриятларни эъозлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам инсон манфаатларининг устунлигини сўзсиз таъминлашга қаратилганлиги изоҳланган. Мамлакатимизда суд экспертизаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турувчи етарли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги, “Адвокатура тўғрисида”ги қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатлари шулар жумласидан эканлиги баён қилинган.

Ушбу қонунларда суд экспертизаси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ асосий тартиб-қоидалар, талаблар, принциплар, ушбу муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Шу билан бирга судларда одил судловни амалга ошириш, ишларни кўриб чиқиш, суд экспертизасини тайинлаш борасида муҳим ўзгаришлар содир этилаётган экан, миллий қонунчиликнинг мазкур соҳага оид қисмини ҳам янада такомиллаштириш, уларга тегишли равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб бориш тақозо қилиниши ифодаланган.

Суд-экспертиза фаолияти самарадорлигини ошириш мазкур институтнинг ташкил этиш ҳолатига, жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг замонавий эҳтиёжларига ва ушбу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фан ва техника ютуқларига мос келишига боғлиқлиги изоҳланган. Бундай институтнинг тизими ўзига хос тарзда маълум бир мамлакатларнинг қонунчилиги ва идоравий норматив ҳужжатлари билан тартибга солиниши изоҳланган.

Тадқиқотда суд экспертиза институтининг ҳуқуқий асосларини шаклланиши ва ривожланиш босқичларини тадқиқ қилишда хорижий давлатларнинг суд экспертиза тизими ва уларнинг бу борадаги тажрибаси ҳам ўрганилган ва диссертацияда акс эттирилган.

Суд экспертизасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати қуйидагилар билан белгиланганлиги асосланганлиги:

мустақил давлатчилик талабларига жавоб берадиган демократик принципларга асосланган суд-экспертлик фаолиятини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани яратиш;

фан ва техника ютуқларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига тадбиқ этиш учун тегишли ҳуқуқий база зарурати;

процессуал қонунлардаги суд экспертиза масаласида камчиликларни бартараф этиш;

суд-экспертлик фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга аммо мавжуд қонунларда ўз ечимини топмаган масалаларни ҳал қилиш зарурати.

Шунингдек, қуйидагилар ҳам бугунги кунда соҳанинг такомиллашувида муҳим рол ўйнаши изоҳланган:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида тадқиқотларнинг қурилиш молларининг тадқиқотлари, парфюмерия саноат маҳсулотларининг кимёвий таркибини аниқлаш тадқиқоти ва Генетик модификацияланган организмлар (ГМО) комплекс экспертизаси каби янги турларини босқичма-босқич (2024-2025 йилларда) ташкил этиш;

инновацион ахборот дастурлари ва инновацион лойиҳаларни суд экспертлик амалиётига жорий қилишга қаратилган кўп тармоқли дастур лойиҳаларини тайёрлаш. Инновацион лойиҳалар суд-компьютер техник, суд фонография, суд баллистика ва изшунослик, суд автотехника, суд қурилиш, Одам ДНКси суд биологик ва бошқа экспертлик йўналишлари бўйича амалга оширилиб, бу йўл орқали муддатларни қисқартириш ва экспертиза хулосаларнинг ишончилигини янада ошириш мақсад қилиб қўйилган. Бу лойиҳалар асосан йўналишлар бўйича замонавий дастурий таъминотлар билан таъминлаш, вазиятларни моделлаштириш, қидирув-ахборот базаларини яратиш орқали амалга оширилиши изоҳланган;

суд экспертлик фаолиятини умумэтироф этилган халқаро стандарт талабларига мослаштириш, яъни лабораторияларни халқаро ISO/IEC 17025 талаблари асосида аккредитациядан ўтказиш зарурияти мавжудлиги бу борада халқаро ҳамкорлик ва халқаро тажриба муҳим аҳамият касб этиши баён қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Суд экспертизаси институтининг ташкилий асослари ва ҳуқуқий табиати”** деб номланади. Ушбу бобда суд экспертизаларини тайинлашнинг процессуал тартиби, суд экспертизасини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ва суд экспертизаси хулосалари ва уларни баҳолашнинг ҳуқуқий табиати масалалари ўрганилган.

Экспертиза тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги ва “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунларида, процессуал қонун ҳужжатларида алоҳида нормалар билан тартибга солинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасида экспертиза ўтказишга асослар белгиланган бўлиб, уларга кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асослари эканлиги изоҳланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси(ЖПК)нинг 172-моддасига биноан иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинлиши баён қилинган.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмаслиги баён қилинган.

Экспертиза тайинлаш жараёнида экспертиза тайинлашга ваколатли бўлган орган (шахс) томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши кераклиги: экспертиза тайинлашнинг фактик ва юридик асосларни аниқлаш; иш учун муҳим ҳисобланган маълумотлар ва юборилган намуналарни тадқиқот учун тайёрлаш; экспертизани ўтказадиган экспертиза муассасаси ёки ташкилотни ёхуд экспертни танлаш; процессуал талабларга мувофиқ, экспертиза тайинлаш ва экспертиза орқали ҳал қилинадиган саволларни қарор ёки ажримда шакллантириш; процесс иштирокчилари томонидан экспертиза ўтказиш тартиби бўйича берилган илтимосномаларни кўриб чиқиши изоҳланган.

Экспертиза – терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига ҳамда адвокатнинг сўровномасига асосан тайинланадиган, иш учун муҳим бўлган фактик маълумотларни аниқлаш мақсадида тақдим этилган объектлар ва материалларни экспертнинг фан, техника, санъат, касб-хунар соҳаларидаги махсус билимларига таянган ҳолда тадқиқ этиш ва тадқиқот натижаларига кўра хулоса беришидан иборат процессуал ҳаракат ҳисобланиши асослантирилган.

Ҳар қандай махсус билимларга таянган тадқиқот экспертиза мақомига эга бўлавермайди, чунки, фақатгина иш юритувига алоқадор ва маълум бир юридик мақсадларни кўзлаган тадқиқотларгина экспертиза мақомига эга бўлиши мумкинлиги таҳлил қилинган.

Экспертиза ўтказиш экспертнинг махсус билимларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот учун юборилган намуналарни, терговчининг саволидан келиб чиқиб ёки шахсий ташаббуси билан шакллантирилган саволлар асосида, тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш ҳамда якуний



тадқиқот натижалари акс этган ҳулосада намоён бўлувчи жараён ҳисобланиши изоҳланган.

Экспертиза ўтказишнинг тўлиқ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023 йил 21 февралдаги “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида” 73-сонли қарори билан тасдиқланган “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги намунавий низомда акс эттирилган. Ушбу низомга тадқиқотчининг таклифлари берилган ва инобатга олинган.

Низомга мувофиқ экспертизаларни ўтказиш муддатлари экспертизаларнинг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 30 кун доирасида белгиланади (таассуфки, экспертиза ўтказиш жараёни “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг “Суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари” деб номланган 17-моддасида муддат белгилаб берилмаганлиги изоҳланган. Жиноят-процессуал қонунчиликда ҳам экспертиза қанча муддатда ўтказилиши лозимлиги масаласи очиқ қолган).

Экспертиза муассасаси раҳбари суд экспертизасининг ҳажми ва мураккаблигига, суд экспертнинг иш ҳажмига қараб экспертиза муддатини 10 (кам объектли ва мураккаб бўлмаган материаллар бўйича), 20 (кўп объектли ёки 60 мураккаб материаллар бўйича) ва 30 (кўп объектли материаллар бўйича) кунгача узайтириши мумкинлиги баён қилинган.

Тадқиқотларни ўтказишни 30 кун мобайнида бажариш имконияти бўлмаса экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан 3 иш куни олдин асосланган ҳулоса тузиб, бу тўғрида экспертизани тайинлаган органга ёзма ёки электрон равишда хабар беради ҳамда келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилаши асослантирилган.

Тадқиқотчининг фикримизча, ушбу қоидаларни “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг “Суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари” деб номланувчи 17-моддасига қуйидаги мазмунда қўшимча киритиш лозим ҳисобланади: “Экспертизаларни ўтказиш муддатлари экспертизаларнинг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 30 кунгача муддатга белгиланиши лозим. Мазкур муддат экспертиза муассасаси раҳбари томонидан экспертиза тайинлаган терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, судья билан келишилган ҳолда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, суд муҳокамаси муддати доирасида узайтирилиши мумкин”. Ушбу норма орқали экспертиза ўтказиш муддатларини сунъий равишда узайтиришнинг олди олиниши баробарида ҳаммага бир хилда амал қилиш имкониятини бериши асослантирилган.

Экспертизани ўтказиш муддатларини ҳисоблаш материаллар экспертиза муассасасига келиб тушган куннинг кейинги кунидан бошлаб ҳисобланади ҳамда экспертиза муассасаси раҳбарининг экспертизани тайинлаган орган (шахс)га ҳулосани юборган кундан бошлаб тугалланиши изоҳланган.

Тадқиқотчини фикрича, давлат суд экспертиза муассасасида экспертиза ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади: 1) экспертиза ўтказиш

тўғрисидаги қарор (ажрим), адвокат сўровини муассаса раҳбари қабул қилиб олиш; 2) раҳбарнинг экспертни тайинлаши ва унга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигини тушунтириши; 3) экспертнинг намуналар билан танишиши ва экспертиза тадқиқотини ўтказиши; 4) экспертиза тайинловчи органга керакли ҳужжатларни ёки маълумотларни етказиш бўйича мурожаат қилиши; 5) етарли маълумотлар етмаганда экспертиза ўтказишни тўхтатиб туриши; 6) тадқиқот натижалари акс этган хулосани икки нусхада шакллантириш; 7) хулосани экспертиза тайинлаган органга юбориш.

Суд экспертиза хулосаси муайян ҳуқуқий (процессуал-ҳуқуқий) хусусиятга эга. Мутахассислар Д.Базарова ва И.Астановлар “Экспертиза хулосаси – экспертиза тадқиқоти натижасида экспертнинг фан, техника, санъат, касб-ҳунар соҳалари бўйича махсус билимдан фойдаланиб, суриштирувчи, терговчи, суд томонидан юборилган экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор, ажримда акс этган саволларига берган жавоби акс этган далил манбаи ҳисобланган процессуал ҳужжатдир”<sup>1</sup> деб ҳисоблашлари баён қилинган.

Бир томондан, суд экспертиза хулосаси маълум бир билим соҳасида маълумотга эга бўлган шахс фаолиятининг натижаси бўлган суд далилларини шакллантириш усули эканлиги, иккинчи томондан, у суд эксперти томонидан суд экспертизасини билиш усулларида бири эканлиги изоҳланган. Натижада, суд эксперти хулосалари қонун нормалари билан тартибга солинадиган процессуал ҳаракат сифатида ишлаши изоҳланган.

Экспертизаларни ўтказишдаги ҳаракатларга қуйидагилар кириши баён қилинган:

суд экспертиза муассасаси (ёки эксперт) томонидан экспертиза учун тақдим қилинган материалларни қабул қилиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш;

агар экспертизага оид материаллар суд экспертиза муассасасига юборилган бўлса, уларни қабул қилиш тартибига риоя қилиш;

эксперт олдида ҳал қилиш учун қўйилган саволларга жавоб беришга қаратилган тадқиқот усуллари ва услубиётдан фойдаланиш;

экспертиза тадқиқотларини ўтказишда зарур бўлган криминалистик-техник воситалардан фойдаланиш;

тадқиқот натижаларини баҳолаш ва хулосаларни (яқуний жавоблар) шакллантириш;

ўтказилган тадқиқотларни расмийлаштириш – хулоса тайёрлаш.

Тадқиқот давомида экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар кириши лозимлиги тақлиф этилган:

экспертиза амалиётини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва умумлаштириб бориш зарур. Чунки, таҳлил натижасида ушбу фаолиятдаги мавжуд камчиликлар аниқланади ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Ушбу тақлиф ва тавсиялардан суд

<sup>1</sup> Криминалистика ва экспертиза. Дарслик. / Ю.ф.н., проф. в.б. Д.Базарова, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – Б.29.

экспертиза муассасаларининг келгуси фаолиятида фойдаланиш, экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштиришга сабаб бўлади;

суд экспертизаси муассасалари иш фаолиятида мавжуд назорат хужжатлар, хужжатлаштириш ҳамда иш юритиш фаолиятини тўғрилигини мунтазам равишда текшириб бориши лозим. Мазкур фаолият натижасида ҳисобга олиш ва рўйхатга олиш журналларини юритиш, экспертиза натижалари ва эксперт хулосаларини расмийлаштириш жараёни тўғри юритилаётганлиги аниқланади, камчиликларга йўл қўйилмаслигига эришилади;

тадқиқот объектларининг текширишда экспертиза тадқиқотлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик ҳолатларини аниқлаш ва бунга нисбатан тегишли чоралар кўриш лозим. Чунки, бу ҳолат суд экспертизаси муассасалари ходимларининг иш фаолиятида масъулиятсизликни келтириб чиқаради ва натижада бутун тизим самарасиз иш олиб боради.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикасида суд экспертизаси институтини такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти асосида суд экспертизаси имкониятларини такомиллаштириш, Ўзбекистонда суд экспертизаси институтини ривожлантиришнинг замонавий технологиялари ҳамда Ўзбекистонда суд экспертизаси институти фаолияти самарадорлигини ошириш истиқболларига доир масалалар тадқиқ этилган.

Ҳозирги вақтда жиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу унинг халқаро табиати эканлиги, кўшни давлатлар ўртасидаги дўстона ва ишончли муносабатлар, шунингдек, турли давлатларнинг ҳудудий яқинлиги, чегараларнинг очиклиги ва бошқа кўплаб омилларни ҳисобга олган ҳолда, трансмиллий ва трансчегаравий жиноятлар содир этиш ҳолатлари тобора кўпроқ кузатилаётганлиги баён қилинган. Бунга Ўзбекистон Республикасининг географик жойлашувининг “транзит” хусусияти ҳам таъсир кўрсатади, чунки ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга энг муҳим савдо йўллари мамлакатимиз ҳудудидан ўтиши баён қилинган. Шу муносабат билан жиноятчиликка қарши курашишда суд экспертизалар имкониятларидан фойдаланишни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этиши изоҳланган.

Бугунги кунда “Ўзбекистон Республикаси Украина, Франция, Грузия, Саудия Арабистони, Туркия, Россия Федерацияси, Словакия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Туркманистон, Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Чехия Республикаси, Болгария Республикаси, Ҳиндистон Республикаси ва бошқа кўплаб давлатлар билан жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар имзоланган”<sup>1</sup>. Бироқ, жиноят-ҳуқуқий соҳадаги энг яқин алоқалар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (кейинги ўринларда МДҲ деб юритилади) аъзо давлатлар билан ривожланганлиги изоҳланган.

Жаҳонда кечаётган глобаллашув ва интеграция, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий модернизация жараёнларида ахборотнинг аҳамияти,

хусусан, ахборот эркинлиги ва очиқлиги масаласи шахс, жамият ва давлат ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этиб, замонавий ахборот тизимининг шаклланиши ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти ва тараққиётини белгиловчи омил бўлиб саналиши асосланган.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи ахборотлаштириш жараёни билан ажралиб туриши, бугунги ахборот даврида ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамиша мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг тафаккури ва сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлиб келаётганлиги баён қилинган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ахборот ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги – Янги Ўзбекистоннинг сифат кўрсаткичларидан бирига айланди”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ижтимоий ҳаётга рақамли технологияларни фаол жорий этиш билан бирга аҳолининг электрон хизматлардан фойдаланиш, давлат хизматларини босқичма-босқич электрон шаклга ўтказиш ҳамда аҳолининг рақамли кўникмаларини ошириш каби устувор вазифаларни белгилаётганлиги изоҳланган.

Суд экспертиза фаолиятига ахборот технологияларини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад – бу экспертнинг электрон иш жойини яратиш, тўпланган рақамли далиллар асосида замонавий тадқиқотларни ўтказиш, инсонлар учун муносиб ва замонавий қулайликларни яратиш ва қўл меҳнатидан халос этиш ҳисобланиши баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги ПФ-6256-сон “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 7-бандида 2022 йил 1 мартдан бошлаб суд экспертлари ва экспертиза тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш жараёнларини комплекс автоматлаштириш, аҳолига ва ваколатли органларга суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотларни етказиш, экспертиза ҳаракатларини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлашга мўлжалланган “E-ekspertiza” ягона электрон ахборот тизимини ишга тушириш, шунингдек, ушбу тизимни ишга тушириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш назарда тутилганлиги асосланган.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида суд экспертлари ва экспертиза тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда экспертиза ҳаракатларини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган “E-ekspertiza” ягона ахборот тизимини жорий этиш (интеграция қилиш) бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар режаси тасдиқланганлиги баён қилинган.

---

<sup>1</sup> <https://pravacheloveka.uz/uz/articles/taraiet-strategijasi-va-zhamoatchilik-nazorati>

Мазкур янги “Е-ekspertiza” ягона ахборот тизимининг мақсади куйидагилар ҳисобланиши асослаб берилган:

- суд экспертизаси соҳасидаги жараёнларни ягона электрон майдонда жамлаш;
- суд экспертизаси ўтказилишининг назорат ва шаффофлигини ошириш;
- суд эксперти хулосасини электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқлаш.
- суд эксперти хулосасини электрон кўринишда олиш имкониятини яратиш;
- суд экспертизаси соҳасида ижро назоратини кучайтириш;
- суд экспертизаси бўйича статистика ва таҳлилни ахборот технологияларини жорий қилиш ҳисобига осонлаштириш;
- ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш;
- маълумотларни шифрланган усуллардан фойдаланган ҳолда етказиш ва қабул қилиш;
- ахборот технологиялари воситаларини жорий қилиш ҳисобига ҳисоботларни шакллантиришга кетадиган вақтни тежаш;
- суд экспертиза тадқиқоти тайинлашга ваколатли органлар билан бўладиган ёзишмаларни электрон кўринишга ўтказиш орқали қоғоз ҳамда почта харажатларини камайтириш;
- тадқиқотлар ўтказиш учун кетадиган вақт миқдорини оптималлаштириш.

Ҳозирда амалиётга жорий этилган “Е-ekspertiza” ягона ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот тизимлари, “id.egov.uz” ва ЭРИ тизимлари билан интеграция қилиш бўйича ишлар амалга оширилаётганлиги баён қилинган.

